

АМУДАРЁ БЎЛИМИДА МАЪМУРИЙ БОШҚАРУВ
ВА УЛАРНИНГ СИНФИЙ МОХИЯТИ

Абдуллаев Анвар Атамуратович – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
anvarabdullayev8319@gmail.com

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

АДМИНИСТРАТИВНОЕ УПРАВЛЕНИЕ В АМУДАРЬИНСКОМ ОТДЕЛЕ
И ЕГО КЛАССОВАЯ СУЩНОСТЬ

Абдуллаев Анвар Атамуратович – доктор философии по историческим наукам, доцент
Нукусский государственный педагогический институт имени Ажинияза

ADMINISTRATIVE MANAGEMENT IN THE AMUDARYA DEPARTMENT
AND THEIR CLASS NATURE

Abdullaev Anvar Atamuratovich – Doctor of Philosophy in Historical Sciences, Associate Professor
Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: Туркистон, Амударё вилояти, адлия халқ комиссариати, тақсимловчи комиссиялар, фавқулодда комиссия, жазо органлари, партия судлари, ўртоклик судлари, вилоят судлари, инқилобий трибунал, суд идоралари, маҳбуслар, марказ.

Резюме. Мақолада Амударё бўлими халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи ниҳоятда оғир эди. 1917 йил октябр тўнтариши туфайли ўлкада, шу жумладан, Амударё бўлимида зўрлик билан ўрнатилган совет ҳокимияти маъмурий бошқарув тизимида оид декрет эълон қилинди, ҳамда қонун ости ҳужжатлари қабул этилган. Туркистондаги марказий ҳокимият ҳисобланган Халқ Комиссарлари Совети эса, бошқарувнинг ўзига тан ва ўзига хос шакл ва усуллари амалда қўллана бошлаганини кўришимиз мумкин.

Ключевые слова: Туркестан, Амударьинская область, нарком юстиции, распределительные комиссии, чрезвычайная комиссия, органы исполнения наказаний, партийные суды, суды дружбы, областные суды, революционный трибунал, судебная власть, заключенные, центр.

Резюме. В статье социально-политическое и экономическое положение народов Амударьинского региона было крайне тяжелым. В результате октябрьского переворота 1917 года был объявлен декрет об административной системе управления Советской властью, насильственно установленной в стране, включая Амударьинское ведомство, и были приняты правовые документы. Мы видим, что Совет Народных Комиссаров, считающийся центральной властью в Туркестане, начал применять свои, уникальные формы и методы управления.

Key words: Turkestan, Amudarya region, people's commissariat of justice, distribution commissions, extraordinary commission, penal authorities, party courts, friendship courts, regional courts, revolutionary tribunal, judicial power, prisoners, center.

Summary. In this article, the socio-political and economic situation of the people of the Amudarya region was extremely difficult. As a result of the October coup of 1917, a decree on the administrative management system of the Soviet power, which was forcibly established in the country, including the Amudarya department, was announced, and legal documents were adopted. We can see that the Council of People's Commissars, which is considered the central authority in Turkestan, has begun to apply its own and unique forms and methods of governance.

Кириш. XX асрнинг биринчи чорагида Туркистон генерал-губернаторлиги натижасида Россия императори тахтдан ағдарилсада Туркистонга нисбатан мустамлака сиёсатини давом эттирди.

Россия империясидаги 1917 йил феврал ойидаги инқилоб ҳақидаги хабарлар Амударё бўлимига ҳам етиб келганидан кейин, буни эшитган фронт орти ишларига кетиши керак бўлган эркаклар уйларига тарқаб кетганлар, май, июнь ойларида эса, минглаб ишчи, деҳқон ва камбағаллар фронт орти ишларидан қайтиб кела бошладилар. Аммо Амударё бўлими маъмурий ҳудудий сиёсий ўзгаришлардан анча йироқ эди [1].

Амударё бўлими халқининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳволи ниҳоятда оғир эди. 1917 йил октябр тўнтариши туфайли ўлкада, шу жумладан, Амударё бўлимида зўрлик билан ўрнатилган совет ҳокимияти маъмурий бошқарув тизимида оид декрет эълон қилинди, ҳамда қонун ости ҳужжатлари қабул этилган. Туркистондаги марказий ҳокимият ҳисобланган Халқ Комиссарлари Совети [2] эса, бошқарувнинг ўзига тан

ва ўзига хос шакл ва усуллари амалда қўллана бошлаган [3]. Ўлкада юридик органлар бўлишига қарамасдан «қаршилиқ қилган одамларни отиб ташлашгача бўлган барча қоралар қўрилсин», каби қарорлар қабул қилган ва ўз фаолиятдан чексиз фойдаланган.

Асосий қисм. Маъмурий бошқарув масаласида Амударё бўлими бошқаруви кўп поғонали бўйсунлигига эга эди: маориф ва суд ишлари бўйича Самарқанд вилоятига, Совет, ҳарбий ва ҳўжалиқ ишлари бўйича Сирдарё вилоятига, айрим фавқулодда ҳолатлар бўйича Туркистон АССР МИҚ ва ХККга бўйсунар эди. Бўлимни бошқариш большевиклар томонидан анча мураккаблаштирилган эди [4].

Бутун ўлкада, шу жумладан қўшни Хива хонлигидаги сиёсий бошбошдоқлик Амударё бўлимида ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаган. Бўлимнинг асосий шахри Петро-Александровск Россиянинг ҳақиқий ҳарбий базасига айлантирилди.

1918 йил октябрда Туркистон АССР Конституциясининг 8 бандида Республика шароитидан

келиб чиққан ҳолда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича суд қурилиши ва суд ишларини юритиш ҳамда уларга ўзгартириш киритиш ҳуқуқи қайд этилган [5].

Амударё бўлимида ҳарбийлаштирилган бошқарув ҳукм сураб эди. Маъмурий бошқарув органларига раҳбарлар рус миллатига мансуб бўлган ҳарбийлардан тайинланган. Ҳарбийлар советлар манфаатини кўзлаб иш олиб борган. Ўлкада юз бераётган ҳарбий-сиёсий таранглик туфайли Республика халқ комиссарлари декретига асосан 1918 йил 8 октябрь куни Амударё депутатлари Советини қайта ташкил этиш масаласи кўндаланг турган. Қизиқarli томони шундаки, мажлисни Ғавқуллода ҳодисалар бўйича ҳарбий комиссар ва Амударё бўлими депутатлари Совети раиси Гурский ушбу мажлисда иштирок этиши керак бўлган ўлка учун «жавобгарлардан бири» ҳарбий комиссар Н.А.Шайдаков келмагунча мажлисни бошлай олмаслиги ҳақида ёзилган хатни архив материаллари орасида учратдик. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўлкада ҳарбийлар барча масалаларга аралашган, назорат қилган, уларсиз биронта қарор қабул қилинмаган [6].

1919 йил январь ойининг охирида Амударё бўлими Совети ижроий қўмитаси аъзолари – Памшев, Чанчиков, Парадиев, Гурский, Грудинин, А.Лукьянов, Пиотровский, И.Зазулин, Александров, Яугашаров иштирокида Ижроий қўмита девонхонаси, Маъмурий-фуқаролик бошқармаси, Халқ хўжалиги, Миллий, Адлия, Меҳнат ва ижтимоий таъминот, Ҳарбий бўлим, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими бўлими, Озиқ-овқат бўлими девонхонаси билан, Молия бўлимлари ташкил этилган [7].

Февраль ойининг охирларига келганда Ижроий қўмита бўлимларига раҳбарлар (1919 йил 26 февраль) тайинланган. Уларнинг деярли барчаси рус миллатига мансуб эди. Масалан, Исайкин – Озиқ-овқат, Блинов – Фуқаролик-маъмурий ва халқ хўжалик, Морозов – Адлия ишлари билан бирга, Ижроий қўмита иши, Балджанов – Миллий масалалари бўйича, Крошилов – Молия, Вакулин – Ҳарбий, Сладков – Халқ соғлиғини сақлаш, Головяшкин – Меҳнат ва ижтимоий-таъминот, Солопов – Халқ таълими, Буйвич – Муҳим ва алоҳида топшириқлар бўйича, Кемпчинский Совет ва Ижроий қўмита раиси, унинг «ўртоғи» (ўринбосари мазмунида – А.А.) Крошилов, Чанчиков котиб вазиҒасида фаолият юритганлар.

Ижроий қўмиталар алоҳида муҳим, кескин характерга эга ёки ижроий қўмита зарур деб топган барча масалаларни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган. Уларга амалдаги декретларнинг ижросини таъминлаш, айрим, зарур деб топилган масалаларни ҳал этиш вазиҒаси юклатилган.

Ижроий қўмита бўлимлари мудирлари қошида ҳайъат ташкил этилган. Ҳайъат аъзолари декрет талаблари доирасида фаолият юритган ва улар ҳавотирлик (тревога) ҳолатлардан ташқари вақтда ҳарбий характердаги топшириқлардан озод этилган.

Амударё депутатлари оветининг Ижроий қўмитаси ўлкада ташкил этилган жазо органларидан ташқари барча ишларга тўғридан-тўғри аралашиб, камаш, жарима солиш ва бошқа масалаларда милиция бўлими бошлиғига кўрсатмалар бериб борган, ҳатто бу ҳақда ўз қарорини ҳам чиқарган.

Эътибор ва аҳамият берадиган томони шундаки, ташкил этилган совет ташкилотлари аниқ, манзилли режа асосида иш олиб борган.

Солдат ишчи, (крестьян [8]), дехқон депутатлари Совети мажлиси ҳар ойда 2 марта ўтказилган. Алоҳида муҳим ҳолатларда ижроий қўмита кўрсатмаси билан Совет мажлислари навбатдан ташқари ҳам чақирилган.

Ўлкада Совет ҳокимиятининг декретлари ҳарбий ҳолат эълон қилиш орқали зўравонлик таҳдид, кўрқитиш мажбурлаш йўли билан амалга оширилган. 1917 йил декабрь ойининг охиридан бошлаб, ҳарбий ҳолатлар эълон қилина бошланган. Кечки соат 10⁰⁰дан бошлаб кўчага чиқиш, юриш ман қилинган. 1918 йил 3 январдан бошлаб, ушбу «ҳарбий ҳолат», «қисман ҳарбий ҳолат» билан алмаштирилган [9], 18 июнда яна ҳарбий ҳолат эълон қилинган. Ҳарбий ҳолатда аҳоли рухсатномасиз умуман кўчага чиқмаслиги, зарурият бўлса ҳарбийлар вилоят ҳарбий секциясидан, фуқаролар Ижроий қўмитадан рухсат олиши шартлиги талаб этилган. Ким бўйсунмаса 2 ҳафта қамок ёки 300 рубль жарима тўлаши шарт эди.

Ҳарбий ҳолатлар кейинги йилларда ҳам жорий этилишда давом этган. 1919 йил 26 февралда, апрель ойларида Амударё совети ижроий қўмитасининг қарорига биноан Петро-Александровскда яна ҳарбий ҳолат эълон қилинган. Шаҳарда юриш вақти чекланган. Фақат лавозимдаги шахслар-ижроий қўмита аъзолари ҳарбий командирлар таркиби, ҳарбий бўлимдан берилган рухсатнома билан юришлари мумкин бўлган. Бўлим ҳудудига махсус рухсатсиз «чириш» ва «чиқиш» ман этилганлиги.

Хива хонлиги, Чоржуй, Орол денгизи атрофларини назоратда ушлаш учун географик ҳудудий томондан энг қулай таянч майдони бўлган. Шу боис уни сақлаб қолиш ўта муҳим аҳамият касб этган. 1919 йил апрель ойида Бўлимда ҳарбий қамал ҳолати эълон қилинган, ва бир неча ой давом этган. Барча идораларда, шу билан бирга, ҳарбий қисм омборхоналарида ҳам тафтиш ўтказилган. Махсус рухсати йўқлар қўлга олинган ва гаутвахтага (вақтинчалик турма) қамалган. Амударёнинг ўнг ва сўл томонига ўтиш учун махсус рухсатнома-гувоҳнома берилиб, муҳр билан тасдиқланган [10].

Амударё ҳудудидан «Чиқиш» учун паспорт режими ташкиллаштирилиб, паспортни Амударё бўлими комиссари берган. 1920 йил 24 сентябрда қабул қилинган Туркистон Республикаси Конституцияси Туркистон советларининг Марказий Ижроий Қўмитасига қонун чиқарувчи ва назорат қилувчи орган мақомини берган. Халқ Комиссарлари Совети декрет, қарор, кўрсатма, йўриқнома ва бошқа давлат бошқарувига тегишли умумий масалалар билан шуғулланган. МИҚ Халқ Комиссарлари Советининг ҳар қандай қарор ва ечимларини бекор қилиш ва тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлган. Конституциянинг XII боб, 56 моддасига *биноан 14 та соҳа бўйича комиссариатлар*, шу жумладан Ички ишлар ва Адлия комиссариати ҳам ташкил этилган [11]. Амударё бўлими Туркистон совет социалистик Республикаси таркибида қолдирилган. 1920 йил 19 октябрда Туркистон Марказий ижроий Қўмитасининг №361-сонли Низомига асосан, Амударё бўлимининг аввалги ҳудудий чегаралари ўзгаришсиз қолдирилган ва

Амударё вилоятига айлантирилган. Вилоят маркази этиб, Тўртқўл (аввалги Петро-Александровск) бўлиб белгиланади. Амударё вилояти 2-уездга (участкага-уездга айлантирилди) бўлинади: Шўрохон (маркази Тўртқўл); Чимбой (маркази Чимбой). Вилоятни бошқариш учун 5 кишидан иборат инқилобий қўмита ташкил этилган. Уездларда уезд Инқилобий қўмиталари ташкил этилган. Аммо Амударё вилояти Инқилобий қўмитаси Хоразм халқ совет республикаси билан ўзаро мустақил сўзлашувлар ва ҳар қандай алоқаларга киришиш ҳуқуқига эга бўлмаган, агар зарурият бўлса РСФСР вакилига мурожаат қилиши шарт бўлган [12]. Амударё вилояти мустақил ташқи сиёсат олиб боришдан маҳрум бўлган.

Хулоса. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўлка аҳолиси ҳаётида тадқиқ этилаётган даврда нотинчлик ҳукм сурган, ижтимоий-сиёсий ҳаёт таранглашган. Амударё вилояти ижроий қўмитаси аъзолари жанговор ўқлар билан қуролланиб юришда давом этган [13].

Шу билан бирга, ўлкада Совет ҳокимиятининг «ҳарбий коммунизм» сиёсати ҳукм сурган даврда ижтимоий-иқтисодий аҳвол ниҳоятда оғирлашди. Фавқулудда комиссия ва милиция ходимлари вакиллари деҳқон хўжаликларини талаб мол-мулкни талон-тарож қилди. Бундай ноқонуний ҳаракатлар

оқибатида Туркистонда, асосан Қорақалпоғистон туманларида асрлар давомида келаётган ижтимоий-иқтисодий ва хўжалик тартиблари бузилган.

Агар октябрь тўнтаришигача Амударё бўлимида аҳоли сони 232.766 киши бўлса, 1920 йил 161.344 киши бўлиб қолди. Ушбу қийинчиликларда 30,7 фоиз аҳоли йўқ бўлиб кетди [14].

Бу даврда совет ҳокимияти суд-ҳуқуқ тизимига оид бир қатор қонун қоидалар қабул қилинган. Туркистон Республикаси Адлия халқ комиссариати (1921 йил май Н 13/9 рақамли қарори) 26 банддан иборат Низом қабул этилган [15]. Унга асосан Адлия бўлимлари ва уездлар ташкил этилди. Улар халқ судлари, нотариал ишларни назорат қилган. Кейинги йилларда нотариал бўлимининг фаолияти кенгая бошлаган [16]. Петро-Александровскда «Алоҳида махсус бўлим» ташкил этилган бўлиб, ва унинг таркибида «фаол қисм», тергов бўлими, ҳамда қотиб фаолият юритган [17]. Диндорлар алоҳида назорат остига олинган. Диний қарашлар сабабли аскарларий хизматдан бош тортганларни айблаш бўйича ҳам махсус иш олиб борилган.

Суд-ҳуқуқ тизимига оид, прокуратура назоратини ташкил этиш, қонунларни ишлаб чиқиш бўйича совет давлати ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун бир қатор декрет ва қарорлар қабул қилишда давом этган [18].

Адабиётлар

1. История Каракалпакской АССР. Том. II. – Тошкент: УзССР «Фан», 1974.
2. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанской федеративной республики. За 1918г.; Деятельность коммунистической партии и советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917-1924гг.) Документы и материалы. – Тошкент: 1986.
3. Сборник декретов и постановлений Совета Народных Комиссаров Туркестанский Федеративной Республики. С 23 ноября 1917 года, по 1 июля 1918г.; ЎзРМДА. Р-38, 2-рўйхат кириш сўзи.
4. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. 2 китоб. – Тошкент: «Шарк», 2000.
5. Материалы к истории советского государство и права Узбекистана. – Тошкент: Изд. Академ наук УзССР, 1958.
6. ҚРМДА. 12-жамғарма, 1-рўйхат, 30-йиғма жилд, 17-20-варақ.
7. ҚРМДА. 12-жамғарма, 1-рўйхат, 32-йиғма жилд, 4, 24-варақ.
8. Сборник декретов и приказов Совета Народных Комиссаров Туркестанский Федеративной Республики. С 23 ноября, 1917 года по 1 июля 1918г. С-32; История Каракалпакской АССР. Том. II. – Тошкент: УзССР «Фан», 1974.
9. ҚРМДА. 12-жамғарма, 1-рўйхат, 30-йиғма жилд, 5-варақ.
10. ҚРМДА. 12-жамғарма, 1-рўйхат, 32-йиғма жилд, 26, 29, 40, 61, 71, -варақнинг орқа томони.
11. ҚРМДА. 12-жамғарма, 1-рўйхат, 31-йиғма жилд, 210, 316, 318-варақлар.
12. ҚРМДА. 12-жамғарма, 1-рўйхат, 14-йиғма жилд, 19, 255, 277-варақ.
13. Конституция ТРПСС федерации принятия 9-м Туркистанским съездом Советов 24 октября 1920 года. С. 15; Сборник важнейших декретов, постановлений и распоряжений правительство ТССР. 1917-1922г., С-1, 8, 9, 52, 53.
14. ҚРМДА. 12-жамғарма, 2-рўйхат, 129-йиғма жилд, 36-варақ.
15. Қошанов Б.А. Время великих потрясений. / Вести Каракалпакстан. 1997 йил, 20 декабрь.
16. ҚРМДА. 12-жамғарма, 2-рўйхат, 11-йиғма жилд, 2-варақ орқаси, 3-варақ.
17. ҚРМДА. 12-жамғарма, 2-рўйхат, 7-йиғма жилд, 15-15-варақнинг орқаси ва 16-варақлар; 113-жамғарма, 1-рўйхат, 12 йиғма жилд, 19-варақ. 2-рўйхат, 30-йиғма жилд, 93-варақ. 17-йиғма жилд, 73-варақ.
18. ҚРМДА. 113-жамғарма, 1-рўйхат, 20-йиғма жилд, 11, 13-варақлар; 1921-йил 6-октябрда Туркистон Республикаси Марказий Ижроий Қўмитасининг порахўрликка қарши декрети эълон қилинди. // Сборник декретов постановлений приказов и распоряжений. Центрального Исполнительного Комитета Советов Туркестанской Республики. 10-сессии Часть I. 1921. – С. 30. 1921 йили 2-ноябрда Туркистон Республикаси Марказий Ижроий Қўмитасининг Амнистия ҳақида декрети чиқарилган. // Октябрь Революциясининг 4 йиллигига бағишланган. Туркистон Республикаси Марказий Ижроий Қўмитасининг 1922-йил 23-декабрда босмачиларга Амнистия қўлланмаслиги ҳақида қарор чиқади. // Собрание узаконений и распоряжений рабоче-крестьянского правительства Туркестанской Республики. Сб. дек. 1923. – С. 12.